

ШАРТНОМА № Л-2022-143

Андижон шаҳри.

“13” июль 2022 йил.

“Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУКнинг харид комиссиясининг 2022-йил 07-июль кунги №-116206-сонли йиғилиш баённомасига асосан, кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритиладиган “Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор в.в.бФ.Қаюмов бир томондан, матнда кейинги ўринларда “**Бажарувчи**” деб юритиладиган YO`L LOYIXA SERVICE MCHJ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари Х.Омурзаковиккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “**Буюртмачи**” ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Мархаматтумани “Бобохуросон” МФЙ Улюз кўчасилойиха-смета хужжатларини** ишлаб-чиқиш ишларини топширади, “**Бажарувчи**” бажариш мажбуриятини олади. “**Буюртмачи**” эса “**Бажарувчи**”га бажарилган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 4200 000 (Тўртмиллионикки юз минг)сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Фазначилик тизимидан (Уззбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси”дан “**Буюртмачи**”нинг махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида “**Буюртмачи**” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг 30% аванс тариқасида келишилган сумма “**Бажарувчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси”дан “**Буюртмачи**”нинг махсус ҳисоб рақамига келиб тушганидан сўнг, “**Бажарувчи**” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. “**Бажарувчи**” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар белгиланган муддатда “**Буюртмачи**”га топширилиши шарт ҳисобланади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Буюртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинги ишларни бажариш тўғрисидаги 2-иловасида кўрсатилган жадвал асосида ишларни ўз муддатида бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “**Буюртмачи**”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади. “**Бажарувчи**” томонидан “**Буюртмачи**”га лойиха-смета хужжатларини топширилишига ўзаро тузилган далолатнома ва ҳисоб-варақ асос бўлади.

3.3. “**Бажарувчи**” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда лойиха-смета хужжатларини топширилиши учун “**Буюртмачи**” олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. “**Бажарувчи**” “**Буюртмачи**” олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. “**Буюртмачи**” “**Бажарувчи**” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.



3.4. **“Бажарувчи”** геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлик ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, **“Бажарувчи”** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. **“Бажарувчи”** шартномада бўйича ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бажарилган лойиха-смета ҳужжатларига таянган ҳолда **“Пудратчи”** зарар кўрса ўз ҳисобидан қайтадан бажаради ҳамда пудратчининг зарарини тўлаб беради.

“Бажарувчи”нинг ҳуқуқлари:

3.6. Бажариб бериладиган иш учун олинладиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.7. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.8. Бажариладиган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилиш.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.9. **“Бажарувчи”** дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.10. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.11. **“Бажарувчи”** дан шартномада кўрсатилган ишларини сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.12. Агар **“Бажарувчи”** шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни **“Буюртмачи”** га топширмаган тақдирда, **“Буюртмачи”** мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. **“Бажарувчи”** ишларни ўз вақтида топширмаганлиги учун **“Буюртмачи”** га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдоридан пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50%идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар **“Бажарувчи”** томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаса, **“Буюртмачи”** тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20% и миқдоридан жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун **“Буюртмачи”** томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдоридан пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% миқдоридан ортимаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2. **“Бажарувчи”** нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур

товарларнинг бозорда йўқлиги, “пудратчи”да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор холатларига кирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга киради.

7.2. Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб 5 (беш) кунни ташкил этади.

7.3. Ишларини бажариш бўйича маблағ “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси” томонидан “Буюртмачи”нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрга қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси
Андижон ш. А.Йулдошев кучаси 30-уй.
Тел/факс: (99874) 227-66-36, 226-88-90
ш/х: 304521860032277045129118010
СТИР: 304917491 ОКОНХ: 42110
Уз. Р. Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в 23402000300100001010
Банк номи: МБББ ХККМ МФО: 00014
Ғазначилик бунёдкори маси СТИР: 201122919

Директор 

Ф.Қаюмов



“БАЖАРУВЧИ”

"YO'L LOYIXA SERVICE" МЧЖ
Андижон шаҳар шаҳар, Фитрат 4
МФО 00440; ИНН 309 163 202;
ОКОНХ 66000;
х/р 20208000605474124001
“Узсаноатқурилишбанк” к
АТБ Бунёдкор БХМ офиси

Рахбар 

Х.Омурзаков



Бош юрисконсулт:  Д.Джаборкулов